

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМЕДОВ НОРМУХАММАД МАРДАНОВИЧ

**УРУҒЛИ МЕВА ДАРАХТЛАРИДА МОНИЛИОЗ КАСАЛЛИГИГА
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09–Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Мамедов Нормухаммад Марданович

Уруғли мева дарахтларида монилиоз касаллигига қарши кураш чораларини
такомиллаштириш.....3

Мамедов Нормухаммад Марданович

Совершенствование мер борьбы против монилиозного заболевания
семечковых плодовых культур.....19

Mamedov Normukhammad

Improvement of protection measures monilia disease of pome trees.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМЕДОВ НОРМУХАММАД МАРДАНОВИЧ

**УРУҒЛИ МЕВА ДАРАХТЛАРИДА МОНИЛИОЗ КАСАЛЛИГИГА
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09–Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx50 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Марупов Аббосхон.

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Аманов Шухрат Бахтиёрвич.

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «30» ноябр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй.Тел/факс: (+99871) 260-48-00, (+99871) 260-48-00, e-mail: tgau@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (533107 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2, Тошкент давлат аграр университети. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2017 йил «17» ноябр куни тарқатилди.

(2017 йил «10» ноябрдаги 13.2 рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

Я.Х.Юлдашов.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги уруғли мева боғларида монилиоз касаллиги кенг тарқалган. Европа, Осиё ва Америка давлатларида ҳосилнинг катта қисмининг йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Россия, Кавказ орти давлатлари, Арманистон, Грузия, Озарбайжон ҳамда Молдавияда бу касаллик туфайли беҳи ҳосилининг 90-100% қисми нобуд бўлмоқда. Бу касалликни қўзғатувчисининг биоэкологик хусусиятлари ва касалликка қарши кураш чораларини такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади¹.

Дунё миқёсида мева маҳсулотларини миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган тадбирлар натижасида уруғли мева боғларида монилиоз касаллигининг тарқалиши ва зарарини аниқлаш, уларга самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Уруғли мева дарахтларида монилиоз касаллигининг тарқалиши учун қулай бўлган ташқи муҳит омилларини, касалликни қўзғатувчи замбуруғларга фунгицидларнинг ва касалликни қўзғатувчи замбуруғларнинг уруғли мева дарахтларига таъсир этиш механизмини, касалликни қўзғатувчиларининг тарқалишида иштирок этувчиларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда боғларга бўлган эътибор янада кучайтирилиб, сўнгги 5 йилда 34,5 минг га янги боғлар ташкил этилди, 41,5 минг га боғ реконструкция қилинди, қарийб 15 минг гектар интенсив боғлар барпо қилинди. Мева маҳсулотларини етиштириш жадал суръатларда ошиб, 1991 йилда 516,6 минг тонна, 2015 йилда 2746,2 минг тоннани, 2016 йилда эса 3042,7 минг тоннани ташкил этди². Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини оширишга эътибор қаратилган бўлиб, мевали боғлардан режалаштирилган ҳосилни олишда юксак агротехника қоидаларини, касалликни қўзғатувчи замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларига асосланиб касалликларга қарши самарали кимёвий кураш чораларини қўллаш энг муҳим омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ҳамда мазкур

¹ru.wikipedia.org/wiki/

²<http://www.agro.uz>

фаолиятга алоқадор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси устувор йўналишлари» доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уруғли мева дарахтларининг монилюоз касаллиги АҚШ, Австралия, Россия, Ҳиндистон ва бошқа Осиё мамлакатларида ўрганилган. Дунёнинг турли минтақаларида касалликни қўзғатувчининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, ривожланиши, зарари ва уларга қарши кураш чораларини яратиш бўйича N.Aytkhozhina, Y.Narade, E.E.Honey, S.D.Massodi, G.N.Bhat, R.W Byrde, Ж.М.Исина, Э.Т.Исмоилова, А.Е.Казанцева, Э.Л.Оганянлар тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистон шароитида уруғли мева дарахтларининг монилюоз касаллигини ўрганиш бўйича М.М.Мирзаев ва Ў.Я.Набиев, М.Тойиров ва А.А.Рахматов, А.Марупов ва б.қ., Б.А.Ҳасанов ва б.қ., ҳамда Ф.М.Бойжигитов ва З.Умаровларнинг илмий тадқиқот ишлари бўйича ахборотлар мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ҚХИ-5-054-2014 «Интенсив олма ва нок боғларида учрайдиган касалликларга қарши самарали кураш чораларини жорий этиш» (2014-2015 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уруғли мевали боғларда монилюоз касаллигининг тарқалиши, унинг зарари, туманлаштирилган навларнинг касалликка чидамлилигини ва касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятлари асосида ушбу касалликка қарши самарали кимёвий кураш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уруғли мевали боғларда монилюоз касаллигининг тарқалиши ва келтирадиган зарарини мониторинг қилиш;

уруғли мевали дарахтларда монилюоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларнинг ўсиши, ривожланиши ва тарқалишига таъсир этувчи экологик омилларни ҳамда касалликни қўзғатувчиларининг патогенлилигини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун рухсат этилган фунгицидларнинг ҳар хил меъёрларини касаллик қўзғатувчи замбуруғларга таъсирини лаборатория шароитида аниқлаш;

уруғли мевали дарахтларнинг туманлаштирилган навларининг монилюоз касаллигига чидамлилигини аниқлаш;

монилиоз касаллигига қарши фитосанитар тадбирларнинг таъсирини аниқлаш;

уруғли маҳаллий ва интенсив мева боғларида монилиоз касаллигига қарши фунгицидларнинг мақбул меъёрларини ва муддатларини аниқлаш;

фунгицидларнинг биологик, хўжалик ва тавсия этилаётган кураш чораларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

самарадорлиги юқори бўлган препаратларни фермер хўжаликларида жорий этиш бўйича тавсиянома тайёрлаш ва чоп этиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб уруғли мева дарахтлари, уларнинг навлари ҳамда уларда монилиоз касаллигини кўзғатувчи патоген *Monilia cinerea* Bonard. *f. mali*, *Monilia cydoniae* Schell., *Monilia fructigena* Pers. замбуруғлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети уруғли мева дарахтларининг монилиоз касаллигига қарши фитосанитар, олдини олиш, навларнинг чидамлилиги, агротехник, кимёвий кураш чораларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишлари умум қабул қилинган умумий микологик ҳамда қишлоқ хўжалик фитопатологиясида кенг қўлланиладиган барча услублар ёрдамида бажарилди. Монилиоз касаллигининг кўзғатувчиларининг морфологик, биоэкологик, патогенлик хусусиятларини ва уларга фунгицидларнинг таъсирини Н.И.Билай, Й.Сеги, А.Е.Чумаков, И.И.Минкевич ва бошқалар, монилиоз касаллигининг дарахтларда тарқалиши, зарари, ривожланишини А.Е.Чумаков ва меваларнинг зарарланишини М.И.Дементьева, фунгицидларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашда Ш.Т.Хўжаев ва бошқалар., услубий кўрсатмаларидан фойдаланиб, олинган натижалар Б.А.Доспехов услубида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида маҳаллий ва интенсив уруғли мева боғларида монилиоз касаллигининг тарқалиши ва келтирадиган зарари аниқланган;

уруғли мева дарахтларида учрайдиган монилиоз касаллигини кўзғатувчи замбуруғлар касалланган дарахт аъзоларининг намуналаридан тоза муҳитга ажратиб олинган, уларнинг систематикаси, биоэкологик хусусиятлари ва патогенлиги аниқланган;

монилиоз касаллигига чидамли бўлган навлар танлаб олинган;

фунгицидларнинг ҳар хил концентрацияларини касаллик кўзғатувчи замбуруғларга таъсирини лаборатория ва дала шароитида аниқланиб, фитосанитар тадбирлар билан биргаликда қўллашнинг афзалликлари исботланган;

самарадорлиги юқори бўлган препаратларни фермер хўжаликларида жорий этиш бўйича тавсиянома чоп этилган.

Тадқиқотларнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

уруғли мева боғларида монилиоз касаллигининг тарқалиши, зарари, аниқланди;

монилиоз касаллигига қарши уруғли мева боғларида фитосанитар тадбирларни Импакт 0,02%ли, Ридомил голд 0,025%ли, Панч 0,01%ли ва Фалькон 0,04%ли фунгицидларининг эритмалари билан уйғунлашган кураш чоралари ишлаб чиқилди;

ёш, маҳаллий ўрта бўйли ва пакана бўйли интенсив боғларни барпо қилишда монилиоз касаллигига чидамли навлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уруғли мева дарахтларнинг монилиоз касаллигига қарши лаборатория ва дала тажрибалари тўғри услублар асосида бажарилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бири-бирига мос келиши, хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан тадқиқот натижаларининг солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, математик-статистик жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, уруғли мева дарахтларида монилиоз касаллигини кўзғатувчисининг патогенлигини ва уларга биозкологик омилларнинг таъсир этувчи кўрсаткичларининг аниқланганлиги, монилиоз касаллигининг тарқалиши ва зарарини, касалликка қарши қўлланилган фитосанитар ва кимёвий усулда фунгицидлар билан ишлов беришда мақбул муддат ва меъёрларининг белгилаб берилганлигидан иборат;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уруғли мева боғларида монилиоз касаллигига қарши фитосанитар ва кимёвий кураш чораларини қўллаб, ҳар гектар олмадан 66,7 ц гача, нокда 24,4 ц гача ва беҳида 55,1 ц гача юқори ҳосил олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уруғли мева дарахтларининг монилиоз касаллигига қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

уруғли мевали дарахтларнинг замбуруғли касалликларига қарши кураш бўйича «Интенсив боғларни замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш» тавсияномаси ишлаб чиқилган («Ўзагрокимёҳимоя» акционерлик жамиятининг 2017 йил 16 октябрдаги 03-13/1919 сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчилик фермер хўжаликларида янгидан ташкил этилган интенсив боғларда замбуруғли касалликларга қарши курашда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

монилиоз касаллигининг қишлоқчи инфекцияларига қарши 4 фоизли «Бордо суюқлиги» гулдан чиққандан кейин ва яна икки марта 10 кун оралатиб 0,025 фоизли «Ридомил голд», 0,02 фоизли «Импакт» фунгицидлари билан ишлов бериш Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тажриба участкасида 13,3 гектар олма, 2,6 гектар нок, 9,6 гектар беҳи боғида ҳамда пакана бўйли интенсив олма ва нок боғларида монилиоз касаллигига қарши 0,01 фоизли «Панч» ва 0,04 фоизли «Фалькон» фунгицидлари билан кимёвий кураш технологияси Тошкент вилояти Қибрай

туманидаги «Янгиобод Ахунов Рашид» фермер хўжалигида 2 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28.09.2017 йил 02/22-498 сон маълумотномаси). Бунинг натижасида олмадан гектарига 61,8-66,7 центнер, нокдан 18,7-24,4 центнер ва беҳидан 51,3-55,1 центнер қўшимча ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси олмада 147,9 фоиз, нокда 109,1 фоиз ва беҳида 149,2 фоизни ҳамда пакана бўйли интенсив олма ва нок боғларида биологик самарадорлик 82,3 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та бўлиб, 3 таси халқаро, 2 таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтган. 1 та тавсиянома қўллаш учун фермер хўжаликларига тарқатилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида, 3 та халқаро конференцияларда ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқот ишларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уруғли мева боғларида монилиоз касаллиги ва унга қарши курашнинг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобда ўрганилаётган мавзуга тааллуқли бўлган маҳаллий ва хорижий илмий, адабий манбалар, кўплаб олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишлари, интернет маълумотлари ўрганилган ва шуларга асосланган ҳолда уруғли мева боғларида монилиоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар, уларнинг тарқалиши ва келтирадиган зарари, биологик, экологик хусусиятлари, монилиоз касаллигига қарши курашнинг усуллари ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойи ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тажриба ишларида фойдаланилган тадқиқот усуллари баён қилинган.

Тадқиқотлар 2008-2011 йилларда Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги ўрта бўйли маҳаллий, 2014-2015 йилларда Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги пакана бўйли интенсив уруғли мева боғларида олиб борилган. Тажриба ишларида олма ва нок дарахтларида монилиоз куйиш касаллигини келтириб чиқарувчи *Monilia cinerea* Bonard. f. *mali* (Wormald.) Harrison, беҳи дарахтида монилиоз куйиш касаллигини кўзғатувчи *Monilia cydoniae* Schell. ва олма, нок ва беҳи меваларида монилиоз чириш касаллигини кўзғатувчи *Monilia fructigena* Pers. замбуруғлари асосий объект сифатида олинган.

Уруғли мева боғларида монилиоз касаллиги билан касалланган дарахт аъзоларидан намуналар йиғиш ва гербарийлар тайёрлашда М.А.Зупаровнинг тавсияномасидан фойдаланилди. Дарахтларнинг касалланган аъзоларидан касалликни кўзғатувчи патоген замбуруғларни ажратиб олишда, озиқа муҳитларини тайёрлашда, патоген замбуруғларни ўстиришда ва замбуруғларнинг соф культураларига фунгицидларнинг таъсирини ўрганишда А.Е.Чумаков ва бошқалар, В.И.Билай ва бошқалар, Й.Сеги усулларида, монилиоз касаллигининг дарахтларда тарқалиши, зарари, ривожланишини А.Е.Чумаков ва меваларнинг зарарланишини М.И. Дементьева, уруғли мева дарахтларида фунгицидларни синашда, фунгицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлашда Ш.Т.Хўжаев ва бошқалар усулларида фойдаланилди. Тадқиқот ишларининг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов, В.Ф.Пересыпкин ва MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Уруғли мева боғларида монилиоз касаллигининг тарқалиши ва келтирадиган зарари**» деб номланган учинчи бобида маҳаллий ва интенсив уруғли мева боғларида монилиоз куйиш ва чириш касалликларининг келтирадиган зарари ва ривожланиши очиб берилган.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг тажриба участкасидаги, унинг Самарқанд илмий тажриба станциясидаги ва Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги олма, нок ва беҳи дарахтларида монилиоз касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши 2009 йилда 2008 ва 2010 йилларга қараганда юқори бўлди. 2009 йилда кузатув ўтказилган бошқа йилларга нисбатан касалликнинг ривожланиши учун баҳор фасли қулай келган, яъни ёғингарчилик миқдори юқори, ҳаво ҳарорати нисбатан пастроқни ташкил этган. Ҳудудлар бўйича солиштирилганда Самарқанд ИТСда монилиоз касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши юқори бўлганлиги кузатилди (1-жадвал).

Интенсив уруғли мева боғларида қатор оралари 3,5 метрни, дарахтлар орасидаги масофа бир метр ёки ундан ҳам кам бўлганида олма ва нок дарахтлари сони 2857 ва ундан кўпни ташкил этади. Бу экиш тизимида дарахтлар экилганда агротехника тадбирларини қўллаш, ҳосилни териш осон бўлса-да, қуёш нурларининг бир текис тушмаслиги, дарахт аъзоларининг бир-бирига тегиб туриши касалликларнинг тарқалиши ва ривожланиши учун қулай имкониятлар яратади.

1-жадвал

Маҳаллий уруғли мева боғларида монилиоз касаллигининг зарари ва ривожланиши

№	Тадқиқотлар ўтказилган жой номи	Йиллар	Март-май ойларидаги ўртача ҳаво ҳарорати, °C	Март-май ойларидаги ёғин миқдори, мм	Монилиоз куйиш касаллиги, %						Август-сентябр ойидаги ўртача ҳаво ҳарорати, °C	Август-сентябр ёғин миқдори, мм	Монилиоз чириш касаллигининг тарқалиши %		
					олма		Нок		беҳи				олма	нок	беҳи
					зарарланиш	касалликнинг ривожланиши	зарарланиш	касалликнинг ривожланиши	зарарланиш	касалликнинг ривожланиши					
1	Академик М.Мирзаев номи БУВаВИТИ	2008	18,3	67,4	40,4	20,6	38,5	21,1	78,0	46,4	25,2	0,8	4,1	4,7	-
		2009	15,2	327,4	57,1	29,1	48,1	26,3	100	59,4	23,7	9,4	3,3	4,0	-
		2010	22,6	185,7	53,3	27,1	43,3	23,7	100	57,6	25,2	3,2	4,9	5,3	1
2	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани	2008	13,4	82,0	37,8	19,3	35,7	19,6	69,1	29,2	22,7	0,2	4,8	5,1	1
		2009	13,0	245,0	50,4	25,7	41,2	22,6	96,1	57,1	21,9	1,9	3,5	4,6	-
		2010	14,7	206,6	49,0	24,9	39,6	21,7	94,0	55,9	22,3	4,5	5,2	5,6	1
3	Академик М.Мирзаев номи БУВаВИТИ Самарқанд ИТС	2008	17,7	110,0	45,0	22,9	40,6	22,2	80,4	47,8	23,4	2,5	3,7	4,2	-
		2009	14,8	308,0	60,2	30,7	49,3	27,0	100	66,2	24,7	0,7	2,9	3,7	-
		2010	16,6	103,5	58,5	29,8	46,7	25,6	100	63,1	25,2	1,5	4,1	4,9	-
ЭЖФ ₀₅					1,28		1,32		0,95				0,92	0,73	1,01

Пакана бўйли интенсив олма ва нок боғларида монилиоз касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши 2014 йилда 2015 йилга нисбатан Фарғона вилоятида Тошкент вилоятига қараганда юқори бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Пакана бўйли интенсив уруғли мева боғларида монилиоз куйиш касаллигининг зарари ва ривожланиши, %

касаликнинг зарари ва ривожланиши, %				
№	Кузатув ўтказилган жой номи	Йиллар	Зарарланиш	Касалликнинг ривожланиши
Олма				
1	Тошкент вилояти Қибрай тумани «Байер Агро Групп» фермер хўжалиги	2014	28,0	10,6
2	Тошкент вилояти Қибрай тумани «Кибрай Агро Импекс» фермер хўжалиги	2015	18,7	7,3
3	Фарғона вилояти «Фарғона Фреш Фрукт» МЧЖ га қарашли боғлар	2014	30,0	11,3
		2015	27,0	8,5
Нок				
4	Тошкент вилояти Қибрай тумани «Янгиобод Ахунов Рашид» фермер хўжалиги	2014	60,0	17,9
		2015	26,0	14,3

Маҳаллий ва интенсив олма, нок боғларида монилиоиз куйиш касаллигининг тарқалишини солиштирилганда, маҳаллий боғларга нисбатан интенсив боғларда касалликнинг тарқалиши жадалроқ кечиши кузатилди. Бунга асосий сабаблардан бири кўчатларнинг бир-бирига яқин экилишидан кўчатлар зичлигининг юқори бўлиши ва бунинг натижасида аэрациянинг яхши бўлмаслигидир.

Диссертациянинг «**Уруғли мева дарахтларда монилиоиз касаллигини кўзғатувчи замбуруғларнинг систематик ўрни ва биоэкологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида уруғли мева дарахтларининг монилиоиз касаллигини кўзғатувчи замбуруғларнинг тур таркиби, систематик ўрни аниқланганлиги, биоэкологик ва патогенлик хусусиятлари тўғрисидаги ўтказилган тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинганда олма ва нокнинг гули, новдалари, барглариининг монилиоиз куйиш касаллигини *Monilia cinerea f. mali* замбуруғлари, беҳининг гули, новдалари ва барглариини монилиоиз куйиш касаллигини *Monilia cydoniae* замбуруғлари, олма, нок ва беҳи меваларининг монилиоиз чириш касаллигини *Monilia fructigena* замбуруғлари кўзғатиши аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг тадқиқот ишлари олиб борилган уруғли мева боғларидаги олма, нок ва беҳи дарахтларида монилиоиз куйиш ва монилиоиз чириш касаллигини кўзғатувчи замбуруғлар *Monilia cinerea* Bonard. *f. mali* (Wormald.) Harrison, *Monilia cydoniae* Schell. ва *Monilia fructigena* Pers., номли 3 та турга мансублиги, бу замбуруғ турларининг анаморфа даври битта туркум *Monilia Pers.*, бир оила *Moniliaceae*, бир тартиб *Hyphomycetales* ва битта *Deuteromycets* синфига кириши аниқланди. Бу замбуруғ турларининг телеморф яъни халтачали даври Ўзбекистон шароитида кузатилмади.

Уруғли мева дарахтларида монилиоиз касаллигини кўзғатувчи замбуруғларнинг соф культуралари штаммларига ҳароратнинг 5, 10, 15, 20, 25, 30 ва 35⁰С, ва намликнинг 50, 60, 70, 80, 90 ва 95% кўрсаткичларидаги таъсири аниқланди ва бу патоген замбуруғлар 15-20⁰С ҳароратда, 90-95 % нисбий намликда жадал ривожланиши кузатилди. Монилиоиз касаллигини кўзғатувчи замбуруғларнинг патогенлик хусусияти ўрганиш учун тадқиқот ишлари академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба участкасидаги уруғли мева боғларида ҳарорат 15⁰С ва намлик 90-95 %га яқин бўлган шароитда ўтказилди. Тажрибалар олманинг «Голден Делишес», нокнинг «Нашвати зимний» ва беҳининг «Атир беҳи» навларида олиб борилди ва 15 кунга келиб *Monilia cinerea* Bonard. *f. mali* (Wormald.) Harrison замбуруғи билан сунъий усулда касаллантирилган олма дарахтларида монилиоиз касаллигининг намоён бўлиши 95,2%, ривожланиши 75,8%ни, нок дарахтларида монилиоиз касаллигининг намоён бўлиши 83,3%, ривожланиши 52,9 %ни ташкил этган бўлса, беҳи дарахтларида монилиоиз куйиш касаллигини кўзғатувчи *Monilia cydoniae* Schell. замбуруғи билан касаллантирилганда беҳи дарахтларида касалликнинг намоён бўлиши 100,0%, ривожланиши 84,7 %га тенг бўлди.

Олма, нок ва беҳи меваларини монилиоиз чириш касаллигини кўзгатувчи *Monilia fructigena* Pers. замбуруғлари билан касаллантирилганда касалликнинг намоён бўлиши мос равишда бу меваларда 50,6; 70,0 ва 16,7 %, ривожланиши 30,0; 39,2 ва 13,3 % эканлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Уруғли мева дарахтларининг монилиоиз касаллигини кўзгатувчиларининг патогенлиги (академик М.Мирзаев номли БУВаВИТИ 2009-2010 йиллар.)

№	Касаллик кўзгатувчиларнинг турлари	Мевали дарахт тури	Зарарлан тирилган ўсимлик аъзолари		Касалликнинг ҳисоби олинган кунлар									
			гул, новдалари, дона	мевалари, дона	3		6		9		12		15	
					касаликнинг намоён бўлиши, %	касаликнинг ривожланиши, %	касаликнинг намоён бўлиши, %	касаликнинг ривожланиши, %	касаликнинг намоён бўлиши, %	касаликнинг ривожланиши, %	касаликнинг намоён бўлиши, %	касаликнинг ривожланиши, %	касаликнинг намоён бўлиши, %	касаликнинг ривожланиши, %
1	<i>Monilia cinerea</i> Bonard.f. <i>mali</i> (Wormald.)Harrison	олма	10		0,0	0,0	0,8	0,5	16,8	6,5	50,4	24,7	95,2	75,8
		нок	10		0,0	0,0	0,6	0,2	12,8	3,5	34,8	14,3	83,3	52,9
2	<i>Monilia cydoniae</i> Schell.	беҳи	10		0,0	0,0	1,8	0,8	25,6	9,9	79,3	46,7	100	84,7
3	<i>Monilia fructigena</i> Pers.	олма		10	0,0	0,0	1,2	0,4	11,9	5,2	42,2	25,6	50,6	30,0
		нок		10	0,0	0,0	2,1	1,0	14,8	10,1	66,3	29,8	70,0	39,2
		беҳи		10	0,0	0,0	0,4	0,1	6,7	2,3	28,1	11,4	16,7	23,3
4	Назорат (гул, новда)	олма	10		0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
		нок	10		0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
		беҳи	10		0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5	Назорат (мева)	олма		10	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
		нок		10	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
		беҳи		10	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Диссертациянинг «Уруғли мева боғларида монилиоиз касаллигига қарши кураш тизимини такомиллаштириш» деб номланган бешинчи бобида маҳаллий ва интенсив боғлардаги уруғли мева дарахт навларининг монилиоиз касаллигига чидамлилиги, монилиоиз касаллигини кўзгатувчи замбуруғларнинг соф культураларига фунгицидларнинг таъсири, монилиоиз касаллигига қарши агротехник, фитосанитар ва кимёвий кураш чораларининг аҳамияти келтирилган.

Монилиоиз касаллигига чидамлилиги ўрганилган олманинг эртапишар «Саратони», «Ҳосилдор», ўртапишар «Боровинка Ташкентская», «Детское», «Искандар», «Фарход», кечпишар навларидан «Голден Делишес», «Голд Спур», «Делишес», «Золотое Грайма», «Нафис», «Ренет Симеренко», навлари умуман касалланмади. «Гўзал олма» 22,6%, «Рояль ред Делишес» 29,9%, «Голден «Делишес» 28,3% ва «Чолпан» навлари 17,4 % зарарланди. Нокнинг эртапишар «Лесная красавица» нави 6,2 %, «Любимица клаппа» 6,5 %, ўртапишар «Талгарская красавица» 9,4%, кечпишар «Нашвати зимняя» 13,6 %, «Рояль зимняя» 14,2 % ва «Тўёна навлари» 11,5 % қисми монилиоиз билан касалланди. Монилиоиз билан кучли касалланиш беҳи навларида кузатилди. Беҳининг «Атир беҳи», «Изобильная», «Самаркандская крупноплодная», «Совхозная», «Узбекистанская», «Чапан-ата», «Наринская» ва «Луқмони» навларида касалликнинг тарқалиши 100,0 %ни ташкил этди.

**Уруғли мева дарахтларида монилиоз касаллигига қарши фунгицидларнинг самараси
(2009-2011 йиллар, БУваВИТИ)**

Вариантлар	Фунгицидларнинг сарф меъёри кг/га	Ўшчи эритма куюклтиги, %	Касал ўсимлик аъзолари	Олма (Голден Делишес 2,6 га)				Юк (Зимняя наштавы 1,8га)				Беҳи (Атир беҳи 2,2 га)			
				зарарланиш, %	касалликнинг ривожланиши, %	биология самардорлиги, %	хосилдорлик ц/га	зарарланиш, %	касалликнинг ривожланиши, %	биология самардорлиги, %	хосилдорлик ц/га	зарарланиш %	касалликнинг ривожланиши, %	биология самардорлиги, %	хосилдорлик ц/га
Назорат	-	-	гул	34,2	14,2	-	126,7	28,7	14,8	-	212,1	47,3	25,6	-	104,6
			барг	8,3	3,7	-		15,7	7,5	-		29,3	16,6	-	
			мева	6,0	2,8	-		10,3	8,8	-		25,7	16,0	-	
Бордо суяқлиги (андоза)	10,0	1,0	гул	6,5	3,0	78,9	184,3	7,5	3,2	78,4	225,4	11,4	6,2	75,8	152,2
			барг	2,2	1,1	70,3		3,7	2,0	73,3		6,9	3,4	79,5	
			мева	2,2	1,0	64,3		4,3	2,3	73,9		5,4	3,0	81,3	
Мис купороси 98 % э.к.к	10,0	1,0	гул	6,9	3,2	77,5	183,9	8,2	3,6	75,7	224,9	11,7	6,4	75,0	151,9
			барг	2,3	1,1	70,3		3,9	2,2	70,7		7,4	3,7	77,7	
			мева	2,3	1,1	60,7		4,4	2,4	72,7		5,1	3,2	80,0	
Импакт, 25 % сус.к	0,2	0,02	гул	5,4	2,1	85,2	188,5	6,8	2,5	83,1	230,8	7,6	3,8	85,2	155,9
			барг	2,0	0,7	81,1		3,5	1,4	81,3		4,4	2,6	84,3	
			мева	1,7	0,6	78,6		3,8	1,7	80,7		3,9	2,2	86,3	
Ридомил голд 68 % с.д.г	2,5	0,25	гул	4,9	1,9	86,6	193,4	6,8	2,3	84,5	236,5	6,5	3,2	87,5	159,7
			барг	1,4	0,6	83,8		2,9	1,2	84,0		4,6	2,4	85,5	
			мева	1,0	0,4	85,7		5,0	1,4	84,1		4,2	1,8	88,8	
ЭЖФ ₀₅				0,63				0,54				0,55			

Монилиоз касаллиги пакана бўйли олманинг «Мутсу» навида 18,7 %, «Бребурин»да 13,4 %, «Чемпион»да 24,0 %, «Рубинстар»да 10,6 %, «Арнобен»да 10,3 %, «Лигол»да 4,5 % ва «Айдаред»да 7,0 % тарқалди.

Монилиоз касаллигини кўзғатувчисининг соф культураларига лаборатория шароитида фунгицидлар ишчи эритмаларининг турли концентрацияси таъсири ўрганилганда *M. cydoniae* Schell. замбуруғларининг соф культуралари энг чидамли ва *M. cinerea* Bonard. f. *mali* замбуруғининг соф культуралари нисбатан кам чидамли эканлиги аниқланди. Соф культураларга нисбатан Импакт, 25 % сус. к.нинг 0,02 %ли эритмаси 3,0-4,3 мм, Ридомил голд, 68 % с.д.г.нинг 0,025 %ли эритмаси 3,7-4,7 мм, Панч 40 % эм.к.нинг 0,01 %ли эритмаси 3,0-4,0 мм ва Фалькон 46 % эм.к.нинг 0,04 %ли эритмалари 3,2-4,1 мм, Купрумхит препарати монилиоз касаллигини кўзғатувчиларидан *M. cydoniae* Schell.га нисбатан 2,7 мм, *M. cinerea* Bonard. f. *mali*га нисбатан 4,0 ва *M. fructigena* Pers. га нисбатан 3,7 мм стерилл зона ҳосил қилди.

Уруғли мева дарахтларда монилиоз касаллигига қарши ўтказилган фитосанитар тадбирларнинг самарадорлиги ҳам аниқланди. Бунда фитосанитар тадбирлар ўтказилган вариантларда фитосанитар тадбирлар бажарилмаган вариантларга нисбатан олмада 45,9 ц/га, нокда 73,8 ц/га ва беҳида 23,4 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

Монилиоз касаллигини кўзғатувчи замбуруғларнинг соф культураларига лаборатория шароитида юқори натижа берган фунгицидлар дала шароитида қўлланилди ва таъсири аниқланди. Ўрта бўйли олма, нок ва беҳи дарахтларида касалликнинг тарқалиши ва ривожланиши Импакт 25 % сус.к.нинг 0,02 %ли ва Ридомил голд 68 % с.д.г.нинг 0,025 %ли ишчи эритмаси қўлланилганда энг кам бўлди (4-жадвал).

5-жадвал

Пакана бўйли уруғли мева дарахтларида монилиоз касаллигига қарши фунгицидларнинг таъсири

(Тошкент вилояти Қибрай тумани 2014-2015 йиллар)


№	Вариантлар	Фунгицидларнинг сарф меъёри кг/га ёки л/га	Фунгицидларнинг концентрацияси, %	Монилиоз касаллиги билан зарарланиши, %					
				Олма			Нок		
				зарарланиш	касалликнинг ривожланиши	биологик самарадорлик	касалликнинг тарқалиши	касалликнинг ривожланиш	биологик самарадорлик
1	Назорат	-	-	32,3	15,6	0,0	27,1	15,1	0,0
2	Панч 40 % эм.к	0,075	0,01	6,0	3,4	78,2	5,5	4,2	72,2
3	Фалькон 46 % эм.к	0,4	0,04	6,7	3,9	75,0	5,0	3,8	74,8

Пакана бўйли олма ва нок дарахтларининг монилиоиз касаллигига қарши интенсив боғларда синаб кўрилган Панч 40 % эм.книнг 0,01 %ли ва Фалькон 46 % эм.книнг 0,04%ли эритмаси ижобий натижалар берди (5-жадвал).

Монилиоиз касаллигига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорликлари аниқланди. Қўлланилган усул ва воситаларнинг биологик самарадорлиги ўрта бўйли олмада андоза вариантида 64,3-78,9 %ни, Импакт (0,2 л/га) вариантида 78,6-85,2 %ни, Ридомил голд (2,5 кг/га) вариантида 83,8-86,6 %ни, нокда андоза вариантида 73,3-78,4 %ни, Импакт (0,2 л/га) вариантида 80,7-83,1 %ни, Ридомил голд (2,5 кг/га) вариантида 84,0-84,5 %ни, беҳида бу вариантларда мос равишда 75,8-81,3 %, 84,3-86,3 % ва 85,5-88,8 %ни ташкил этди.


Пакана бўйли интенсив боғларида олиб борилган тадқиқот ишларида олма дарахтларида Панч (0,075 л/га) вариантида 78,2 %, Фалькон (0,4 л/га) вариантида 75,0 %, нок дарахтларида бу фунгицидлар ишлатилган вариантларда 72,2 ва 74,8 % биологик самарадорликка эришилди.

Монилиоиз касаллигига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг хўжалик самарадорлиги ўрганилганда Импакт (0,2 л/га) ва Ридомил голд (2,5 кг/га) вариантларида энг юқори кўрсаткичларга эришилди ва бу кўрсаткичлар мос равишда олма дарахтларида 107,7 ва 112,6 ц/гани, нок дарахтларида 92,5 ва 98,2 ц/гани ва беҳи дарахтларида 75,4 ва 78,3 ц/гани ташкил этди (1-расм).



1-расм. Уруғли мева дарахтларида монилиоиз касаллигига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг хўжалик самарадорлиги, ц/га

Монилиоиз касаллигига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг рентабеллиги эса олма, нок ва беҳи дарахтларида Бордо суюклиги вариантида 168,9; 139,2 ва 120,7 %, Мис купороси вариантида 172,2; 142,3 ва 123,7 %, Импакт вариантида 205,2; 170,1 ва 148,5 % ҳамда Ридомил голд вариантида 132,8; 109,3 ва 94,9 %ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Уруғли мева дарахтларида монилиоиз касаллигига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий уруғли мева боғларда (Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари) монилиоиз куйиш касаллигининг тарқалиши ўртача 2008-2010 йилларда нисбатан вилоятлар бўйича олмада 50,3; 45,7; 54,6%, нокда 43,3; 38,8; 45,5% ва беҳида 92,7; 86,4; 93,5% ташкил этди. Меваларнинг монилиоиз чириши олмада 4,1; 4,5 ва 3,6%, нокда 4,7; 5,1 ва 4,3%, беҳида 0,3; 0,7 ва 0,0 % кузатилди; интенсив пакана бўйли боғларда (Тошкент ва Фарғона вилоятлари) монилиоиз куйиш касаллиги 2014-2015 йилларда олмада ўртача 23,4 ва 28,5%, нокда (Тошкент вилояти) 43,0 % ни ташкил этди.

2. Ўзбекистон боғларидаги олма ва нок дарахтларида монилиоиз куйиш касаллигини *Monilia cinerea* Bonard. f. *mali* (Wormald.) Harrison ва беҳи дарахтларида *Monilia cydoniae* Schell. замбуруғларини қўзғатиши, ҳамда олма, нок ва беҳи меваларини чиришини *Monilia fructigena* Pers. замбуруғи келтириши қайд этилди. Ушбу замбуруғ турларининг анаморфа даври *Monilia* Pers. туркумига, *Moniliaceae* оиласи, *Hyphomycetales* тартиби ва *Deuteromycets* синфига кириши тасдиқланди. Монилиоиз касаллигини қўзғатувчи замбуруғларнинг ривож ва дарахтларни касаллантириши 15°C ҳароратда, 90%дан юқори нисбий намлик бўлганда жадал кечиши ва инкубацион даври 5-6 сутка давом этиши аниқланди.

3. Олма ва нок дарахтларини сунъий усулда *M. cinerea* Bonard. f. *mali* замбуруғи билан касаллантирилганда, олма дарахтини нок дарахтига нисбатан кучлироқ касалланиши, *M. cydoniae* Schell. билан беҳи дарахти касаллантирилганда унинг кучли касалланиши кузатилди. Олма, нок ва беҳи мевалари *M. fructigena* Pers. билан дала шароитида сунъий усулда касаллантирилганда нок мевалари олма ва беҳи меваларига нисбатан кўпроқ касалланиши кузатилди.

4. Монилиоиз касаллигига олманинг ўрта бўйли «Саратони», «Ҳосилдор», «Боровинка Ташкентская», «Детское», «Искандар», «Фарход», «Голдспур», «Делишес», «Золотое Грайма», «Нафис», «Ренет Симеренко» навлари, пакана

бўйли «Айдаред» ва «Лигол» навлари чидамли; «Гўзал олма» ва «Чолпан» навлари ўртача чидамли; «Голден Делишес» ва «Рояль Ред Делишес» навлари чидамсизлиги аниқланди. Нокнинг «Лесная красавица» ва «Любимица клаппа» навлари кам, «Талгарская красавица», «Нашвати зимняя», «Рояль зимняя» ва «Тўёна» навларини кучли касалланиши кузатилди. «Атир беҳи», «Изобильная», «Совхозная», «Самаркандская крупноплодная», «Лукмони», «Узбекистанская», «Чапан-ата», «Наринская» беҳи навларининг барчаси кучли касалланиши аниқланди.

5. Фитосанитар тадбирлар ўтказилганда ҳосилнинг катта қисми сақлаб қолиниши, қўшимча ҳосилдорлик фитосанитар тадбирлар ўтказилмаган вариантга нисбатан олмада 45,9, нокда 73,8 ва беҳида 23,4 ц/га юқори бўлиши кузатилди.

6. *M. cydoniae* Schell. замбуруғларининг соф культуралари, *M. cinerea* Bonard. f. *mali* замбуруғининг соф культураларига нисбатан фунгицидларга чидамлироқ эканлиги аниқланди.з

7. Уруғли мева дарахтларидан ўрта бўйли маҳаллий олма, нок ва беҳи дарахтларининг монилиоиз касаллигига қарши фитосанитар тадбирлар билан бирга Импакт препаратининг 0,02 % ли ва Ридомил голд препаратининг 0,25 %ли эритмаларини қўллаш юқори натижалар берди. Пакана бўйли интенсив уруғли мева боғларида Панч 40 % эм.к нинг 0,075 % ли ва Фалькон 46 % эм.к.нинг 0,04 % ли эритмаларини қўллаш ижобий натижалар берди.

8. Монилиоиз касаллигига қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлиги олма дарахтининг гулларида, баргларида ва меваларида 60,7-86,6%ни, нокда 70,7-84,5%ни ва беҳида 75,0-88,8%ни, хўжалик самарадорлиги эса 70,5-112,6 ц/га ташкил қилди. Пакана бўйли интенсив олма дарахтларининг баргларида биологик самарадорлик 75,0-78,2% ни ва нокда 72,2-74,8% ни ташкил қилди.

9. Ўрта бўйли маҳаллий боғларда монилиоиз касаллигига қарши такомиллаштирилган кураш тизимида гектар ҳисобида шартли соф фойда йиғиндиси 24816,2-67182,2 минг сўмни, назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик ва қўшимча ҳосилнинг қиймати 15465,0-29460,0 минг сўмни, ҳимоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўмнинг оқланиши 7,7-29,4 сўмни ҳамда рентабеллик 94,9-205,2%ни ташкил этди. Пакана бўйли интенсив уруғли мева боғлар тадқиқот даврида ёш, ҳали мевага кирмаганлиги сабабли иқтисодий самарадорлик ҳисобланмаган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ
РАСТЕНИЙ**

МАМЕДОВ НОРМУХАММАД МАРДАНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР БОРЬБЫ ПРОТИВ МОНИЛИОЗНОГО
ЗАБОЛЕВАНИЯ СЕМЕЧКОВЫХ ПЛОДОВЫХ КУЛЬТУР**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Qx50

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте Защиты растений
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.agrar.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Марупов Аббосхон

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Аманов Шухрат Бахтиёрович

доктор сельскохозяйственных наук

Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич

кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация

**Научно-исследовательский институт
растениеводства**

Защита диссертации состоится «30» ноября 2017 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2, Ташкентский государственный аграрный университет, тел/факс: (+99871) 260-48-00, (+99871) 260-38-60, e-mail: tgau@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 533107 (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2, Ташкентский государственный аграрный университет, тел. (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «17» ноября 2017 года
(протокол рассылки № 13.2 от «10» ноября 2017 года

Б.А.Сулайманов.

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор.

Я.Х.Юлдашев.

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент.

М.М.Адилов.

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Монилиоз широко распространен на семечковых плодовых культурах по всему миру. Заболевание является одной из основных причин снижения урожая в странах Европы, Азии и Америки. В России, странах Кавказа, в частности – Армении, Грузии, Азербайджане, а также Молдавии, вследствие развития заболевания, может теряться до 90-100% урожая айвы. Изучение биоэкологических особенностей развития возбудителя и совершенствование мер борьбы с ним является важной проблемой¹.

Для повышения количества и качества урожая семечковых культур к числу проводимых исследований в различных странах мира относится определение распространенности и вредоносности монилиоза. Разработка мер борьбы с ним дает возможность повышения эффективности проводимых исследований. Важное значение при распространении и развитии болезни отводится влиянию внешних условий, механизму действия фунгицидов из грибных возбудителей болезни, что дает возможность повысить эффективность проводимых исследований.

После обретения независимости Республикой Узбекистан было усилено внимание развитию садоводства, так, за последние 5 лет созданы новые сады на площади 34,5 тыс.га, проведено обновление садов на территории 41,5 тыс.га, организованы интенсивные сады на площади 15 тыс.га. Продуктивность урожая в 1991 году равнялась – 516,6 тыс.тонн в 2015 году составляла 2746,2 тыс.тонн, в 2016 году 3042,7 тыс.тонн². В качестве сельскохозяйственных продуктов уделяется большое внимание в «Пять направлений Стратегии развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» в пункте 3.3 о модернизации и дальнейшем развитии сельского хозяйства. Получение ожидаемого урожая в плодовых садах является одной из важных задач для решения которой, на основании соблюдения современных правил агротехники, знания биоэкологических особенностей развития возбудителя, можно внедрять высоко эффективные химические меры борьбы.

